
ФАРҒОНАДА ТУРКИЯЛИК ИШБИЛАРМОНЛАР ВА МУТАХАССИСЛАР ИШТИРОКИДА “FERGANA FARMER EXPO ÖZBEKISTAN – 2022” ТИЖОРАТ КЎРГАЗМАСИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА

Бугун Фарғона шаҳридаги Фарғона политехника институтида “Fergana Farmer Expo Özbekistan – 2022” қишлоқ хўжалиги, чорвачилик ва доривор ўсимликлар инвестицион тижорат кўрғазмасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоят АКИС (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими) Агрохизматлар маркази ҳамда Туркиянинг Селчуқ университети ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон ва Туркиянинг қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик соҳаси масъуллари ва мутахассислари, олимлар, ишбилармонлар иштирок этмоқдалар.

Очилиш маросимида сўз олган вилоят ҳокимининг ўринбосари Алибек Турсунов Давлатимиз раҳбари топшириқлари ва кўрсатмалари асосида Фарғонада қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва натижадорликни ошириш учун инновацион ва илмий ёндашувга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини таъкидлади. Ўзбекистон ва Туркия муносабатлари ривожланиб бораётгани, вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров бошчилигидаги вилоят делегациясининг жорий йил февраль ойида Туркияга амалий ташрифи натижасида Фарғона-Туркия ҳамкорлик алоқалари янада ривожланаётгани қайд этилди.

Туркиянинг Бурдур вилояти қишлоқ хўжалиги бошқарма бошлиғи Меҳмет Туғрул бундай кўрғазма ва форумлар икки давлат қишлоқ хўжалиги вакилларининг ўзаро тажриба алмашишларига хизмат қилишига алоҳида эътибор қаратди.

Икки кун давом этадиган мазкур тижорат кўрғазмасида Туркиянинг 16 та компаниялари ва 30 нафарга яқин қишлоқ хўжалиги йўналишида фаолият олиб бораётган тадбиркорлари иштирок этиши кутилаётгани, янги шартнома ва келишувлар амалга оширилиши маълум қилинди.

Шундан сўнг тадбир қатнашчилари чорвачилик, боғдорчилик, пахтачилик, уруғчилик, қишлоқ хўжалиги техникалари каби турли қишлоқ хўжалиги тармоқларида фаолият олиб бораётган туркиялик ишбилармонлар кўрғазмалари билан яқиндан танишдилар.

Кун давомида “Ўзбекистон ва Туркия ўртасида пахта етиштириш ва пахта тозалаш саноатида, чигит делинтациясида ҳамкорлик ва икки давлатнинг тажрибалари”, “Чорвачилик хўжалиги ва ривожлантиришда янги технологияларнинг аҳамияти” мавзусида панел сессиялар ташкил этилади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-12-14 13:39:01